

Mustahkam oila – yurt tayanchi

QILA DAVRASIDA

№ 1 (347)
2019 - yil
10-yanvar
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



3-бет



УЙГОНИШ КЕРАК



Жоном БОЛТАЕВ коллажи



СОЛИҚ АМНИСТИЯСИ –
1 июлга қадар

2-бет



БОҒЧА ПУЛИ қанчага ошади?

2-бет



МИБ доим ҳақми?

3-бет

СЎЗНИНГ
бобоси, момоси...
ва неваралари

4-бет

МАЊАВИЙ ҚАШШОҚЛИК
исканжаси

4-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-йи
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Осмон ёруғ бўлди бир лаҳза

Майор Абдумажид
Усмонов чақмөк умридай
қисқа ҳәтида ўз
умрбоқијилигини кашф
эта олган, она юртнинг
жасоратли ўғлони эди..



Ҳаёт пиллапоялари

1968 йил 19 ноябрь, Тошкент. Шу куни ишчи Шавкат ота Усмонов хонадонида катта хурсандчилик бўлди: у ўғил кўрди! Шавкат ота гўдакка Абдумажид леб ном берди. Абдумажид отаси ва онаси Лайло аянинг ёлғиз фарзанди эди. Болалик чоғларидан Абдумажидда камтарлик, тургисўзлик, катталарга хос оғир-босилик каби хусусиятларни урди.

Шавкат ота эрга оламдан ўтди. Ҳаёт Абдумажидин ота назари, тафти ва меҳридан беъбаҳ яшашга маҳкум ашинг опир дамларда турмушнинг кора хурдуни табииний жид оиласпарвар одам эди. Рафиқаси Зулғифонҳон доним ардоклар, фарзандларига фамхўйлик килади...

да түрмушнин кора жүргүн, таобиин, Лайло аяннин елкасна илинид. Елғыз күз кароги, кайнонаси ва бир талай мумамисдан бошкы жеңи вакоси йүк аёл шахардаги чинни заводида оддий ишчи бўлиб фаолият бошлади. Жажжи Абдумажид бувисин Осие

...Абдумажид Усмоновнинг болалик орзуси — ҳарбий булии иштиёқи Челябинск олий ҳарбий авиация штурманлари билим юрти томон етаклади. Айтиш мумкинин, ҳаракхонимни учунчиликлагат асосий би- гарийонда майор Усмонов ҳам булоди белгиланган вазифани айло дарааджади ижро этганди. Қолаверса, «Су-24» самолётида давлатимиз томонидан юқатилиган жанговар вазифани бажарши чоғигид кўрсатган жонбозликлари ва миллӣ армиямиз ривожига кўшсан муносиб хиссаси инобатга олиниб, «Жасорат» медали билан тақдирланди!

Орзу ортидан Челябинскка

...Абдумажид Усмоновнинг болалик орзуси — ҳарбий бўлниш иштиёқи Челябинск олий ҳарбий авиация штурманлари билим юрти томон етаклади. Айтиш мумкинин, ҳаракамнимиз утичилигидаги асосий билим ва тажрибаларини курсантлик даврида эталлайди. Ҳусусан, «Ту-134» русумли самолётни бошқариши бўйича зарур билимни ўлаштирги. Якинларидан, юргитдан олисда таҳсил олини осон бўлмади, албатта... 1991 йил офицер бўлиб, бир дунё орзулар билан она Ватаннинг кайти. Мухим учиш машгүлотлари ва юклатилган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этди...

Касбға содиқлик шаҳди

— Абдумажид жамоада хурмат-эъти-
борга эга, касбига содик ҳарбий эди, —
деди майор Абдумажид Усмоновнинг
устози — истеъфодаги подполковник

2019 йилда болалар боғчаси учун тўлов қанчага ошади?

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказлари бўйича индексация фоизи кўрсатилган ҳолда болалар боғчаси учун тўловнинг амалдаги ва 2019 йил 1 майдан жорий этиладиган микдорларининг солишишторма жадвали Norma.uz томонидан тақдим этилди.

Унга кўра, битта боланинг беш кунлик иш ҳафтасида пойтахт ва вилоятлар марказларида давлат мактабгача таълим муассасаларида 9 соат бўлиши – 20 фоизга, оиласдан биттадан ортиқ бола боргандга эса ўртача ҳар бир бола учун 20,4 фоизга ошали.

Халокат...

2000 йил 6 июня, сешанба. Тунгиги учиси машгулотлари. «Су-24» экипажи да майор Абдумажид Усмонов ва майор Абдукарим Хамроев. Самолёт осмонга кўтарилид. Бироз вакт ўтгач, учоқдаги фавкулодда техника носозилин туфайли даставвал, ҳарбий кисм аэродромни худудига кўниш чоралар кўрилади. Шосседа носозлик юз берганни учун «Су-24» аэродром худудини тарк этишига мажбур бўлади. «Шўртганз» заводи худуди устидан учеб ўтиб, ҳавфисиз кўниш учун қулай майдонга йўналади. Бу орада алоқа воситалари ҳам ишдан чиқиб, учокни кўндириш амримахол бўлган ҳалокати вазиятдаги ҳам экипаж, ҳарбий мулкни асрар колишининг сўнгиги чораларини излайди. Фузор йўли Эшон-кудук кишлоги якининадаги майдонга шиддат билан пастилаётган самолёти бошқаршиш имкони колмайди. «Су-24» ҳалокатти учрайди...

«Мингга кир, ўғлим!»

Бир йигит ўйлда мўйсафид бобога дуч келибди. Уйнинг юқини енгил килиб манзилга элтибди. Шунда бобо нахавирон йигитга дуо бербиди: «Илойм, минг йиц умр кўр, болам!» Йигит: «Э, бобо! Одам ҳам минг йил яшайдими, сиз ҳам ишонса бўладиган дуо килинг-да!» — деб норизо бўлганди, мўйсафид: «Эҳ, болам-а! Одам минг йиц яшоласлигини мен ҳам яхши биламан. Лекин шундай иш килгники, минг йилдан кейин ҳам сени эслаб юрсингилар! Мен шунни назарда туттган эдим...» — деган эксан...

Майор Абдумажид Усмоновдек жасур
үғлонлар унтуилмайды!

Алибек ОМОНГУРДИЕВ

Болалар-нин бир күнда бўлишиш вақти	5-кунлик иш хафасида				6-кунлик иш хафасида			
	МТМға оиласдан борадиган битта бола учун		Агар оиласдан биттадан ортиқ бола борса, уларнинг ҳар бири учун		МТМға оиласдан борадиган битта бола учун		Агар оиласдан биттадан ортиқ бола борса, уларнинг ҳар бири учун	
	Амалдаги миқдорлар	1.05.2019 йилдан жорий этиладиган миқдорлар ва оширилиш фоизи	Амалдаги миқдорлар	1.05.2019 йилдан жорий этиладиган миқдорлар ва оширилиш фоизи	Амалдаги миқдорлар	1.05.2019 йилдан жорий этиладиган миқдорлар ва оширилиш фоизи	Амалдаги миқдорлар	1.05.2019 йилдан жорий этиладиган миқдорлар ва оширилиш фоизи
Тошкент ш.								
4-5 соат	19 000	28 500 50%	13 000	20 000 53,8%	23 000	34 000 47,8%	15 000	24 000 60%
9 соат	130 000	166 000 20%	92 000	111 800 20,6%	155 000	198 000 20%	110 000	132 000 20%
10,5 соат	155 000	186 000 20%	110 000	132 800 20%	185 000	221 000 19,4%	131 000	157 000 19,8%
12 соат	175 000	210 000 20%	124 000	149 000 20,1%	208 000	250 000 20,1%	148 000	177 000 19,5%
24 соат	185 000	222 000 20%	131 000	158 000 20,6%	220 000	264 000 20%	156 000	188 000 20,5%
Вилоятлар марказлари								
(Нукус, Андиқон, Бухоро, Жиззах, Карши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Гулистон, Нурабадон, Фарғона, Ургонг'я шахарлари)								
4-5 соат	18 000	27 000 50%	13 000	19 000 46,1%	21 000	32 000 52,3%	15 000	23 000 53,3%
9 соат	125 000	160 000 20%	89 000	107 000 20,2%	149 000	179 000 20,1%	106 000	127 000 19,8%
10,5 соат	150 000	180 000 20%	107 000	128 000 19,6%	179 000	214 000 19,5%	127 000	152 000 19,6%
12 соат	166 000	198 000 19,8%	118 000	141 000 19,4%	198 000	237 000 19,6%	140 000	168 000 20%
24 соат	176 000	211 000	125 000	150 000	210 000	261 000	149 000	179 000

Намунавий уйларниң «намунали» муаммолари

Навоий вилоятининг қишлоқ ҳудудларида ахолига намунавий лойиҳалар асосида куриб берилган уйларниң нақд элликтасининг яроқсиз экани кундай равшан бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, мазкур тураржойлар бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Бу ахолининг ҳақли эътиrozига сабаб бўлаётган эди. Шулар инобатга олинниб, бир маҳаллар ахолига тантанали радишида топширилган, ойнаи-жаҳонда кўрсатилиб, роса мақталган уйларни қайтадан, барпо этишга киришилди. Хўш, айборд ким? Афсуски, бу савол ҳалигача очиқ қолиб кетмоқда?



2019 йил 1 январдан бошлаб ушбу имтиёзли ипотека кредитининг (имтиёзли) даври иккى йилдан иборат бўлиши белгиланди. Кредитни кайтариш муддати ўн беш йилдан йигирма йилгача чўзилди. 2019 йилда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида яна 15 мингдан ортик уй-жой курилади. Унинг 10 мингдан зўёдти уй-жойга мухолжарла, 600 таси ёшлияр, 1050 таси харбийларга ажратилди. Уларни олиш факаттинга туман ҳокимликларидаги комиссия хуласаси билан амалга оширилади. Мазкур жараёнда еттига мезон инобатга олинниб, ўн балли тизим жорий этилади.

Машмашанинг каттаси

Хали ҳам одамларимизнинг бошидан сун ўтириб ичса арзиди. Нўнок, ўз ишининг устаси бўлмаган курувчи барпо этган уйни кўриб, дили оғриса-да, кўпчилик гинг дегани йўқ. Аслида «Қишлоқ курилиши банк» молиялаштириб беради. «Қишлоқ курилиши инвест» инжиниринг компанияси эса пурдатчи курилиши ташкилотларини ёлла, уй-жой курилишига жалб этади. Уй битганидан кейин тезда эгасига топширилиши лозим. Машмашанинг каттаси ана шундан кейин бошланади. Аниқ-

рок айтсан, курувчилар уй-жой сохибининг кўлини оёғига олиб, бўзининг мокисидек ютуриб қолади. Уларниң массади — қандай бўлмасин, уй эгасига «Ҳаммаси жойида, уй-жойни қабул килиб олди», дей имзо ёнтириб олиш. Бу ишга уста бўлиб кетишган. Колганинг ҳеч кимни умуман ки-зикримайди.

Шундай килинмаса, банк улар-

ниң хисобига колган беш фоизли маблагни ўтказмайди. Колаверса, юкоридан «Нега уй-жойни белгиланган муддатда топширмадинглар?» дей кистовга олишади.

— Очиги, ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар курилиши бошлангандан бери, сифатсиз, ахоли эътиrozига сабаб бўлаётган уйлар масаласи кун тартибидан тушибай келияти, — дейдай акциядорлик тижорат «Қишлоқ курилиши банк» бошкаруви раиси биринчи ўринбосари Акбар ЭШОНҚУЛОВ Миллий матбуот марказида журналистлар билан учрашуда.

— Уй-жойлар учун «Қишлоқ курилиши инвест» инжиниринг компанияси масъул хисобланади. Шу боис у курилиши ташкилоти билан шартнома имзолайди. Унда хар иккى томоннинг вазифаси аниқ белгилаб кўйилган. Лекин шунга карамасдан, намунавий лойиҳалар асосида курилаётган

уйларниң топшириши муддати чўзилиб кетиш ҳолатлари учрашади. Кўпчилик бундай бўлишида банк ҳам айборд, деб хисоблайди. Бирок бу фикрга қўшилмайман. Бонси, молия мусассасаси факат кредит ажратиб бериш, яъни молиялаштириши билан чекланади. Курилишининг сифати, муддатида топширилиши бизга bogлиq эмас.

Хўш, банк зарур маблагни ажратиб бергаётган бўлса, нега унда айрим ҳудудда курилган уй-жойларниң топширилиши асоссиз радишида бир ярим йил муддатга чўзилиб кетмоқда? Ҳар холда бошланғич тўловни тўлаб, бола-чакаси билан уйининг битишини сабрсизлик билан кутаётган фуқаронинг бунда айби бўлмаса керак!?

Бундан ташкари, 2018 йил 1 июлдан 31 декабрга кадар имтиёзли ипотека кредити уч йилдан иборат имтиёзли давр билан ажратилиши белгиланган бўлса,

«Осилиб» турган кредитлар

Маълумотларга кўра, қишлоқ ҳудудларида уй-жой барпо этиш учун шу кунга кадар банклар беш триллон сўм микдорида маблағ ажратган. Аммо афсуски, ўша маблағнинг оз эмас, кўп эмас нақд саккиз миллиард сўми тўланмасдан «осилиб» келмокда. Турии кутилмаган ходисалар содир бўлиб туриши бор гап. Бирок нима бўлганда ҳам, олингандар карз ўз вактида тўланиши, яъни ойма-ой бартараф этиб бориши керак эмасми? Тўтири, молия мусассасаларининг узлуксиз сайди-харакати туфайли кредитнинг бир миллиард сўми ҳар ойда ундириб олиниятди. Аммо бу чоранинг тасъири ҳадегандан сезилмаяпти... Барибир эскидан осилиб келаётган карз хорижий молия институтларидан олинган фоизли кредитлар тўловига олнигандай салбий тасъиб кўрсатяпти.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухобири

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айrim тоифалари учун арzon уй-жойлар куришни кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, жорий йилдан бошлаб республикамиз қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида арzon уй-жойлар курилиши «Обод қишлоқ» дастури билан уйғун тарзда олиб берилади.

МИБ доим ҳақми?

Қарздорни дарров тармоқдан узиб қўйишдан олдин...

Мажбурий ижро бюроси фаолияти тифайли айни пайтда коммунал хизматлар тўловлари ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиб, истеъмолчилар қарздорлиги камайишига эришилмоқда. Бу яхши албатта. Энди фуқаролар бу масалага янада масъулият билан қарай бошласа-да, тўлов интизоми деган тушунча ҳаммада ҳам тўлиқ шаклланмаяпти.

Истеъмолчилар хукукларини химоя килиш жамиятлари Федерацияси берган маълумотларга кўра, бутунги кунда ахолидан энг кўп мурожаат тушаётган соҳалардан бири газ таъминоти билан боғлик. У умумий мурожаатларининг карийб 21 фонзини ташкил этади. Унда фуқаролар, асосан, босимнинг пастлиги, асосиззар қарздорлик бўйича шикояти килиади. Шу билан бирга, мажбурий ижро бюроси ходимларининг ноконуний хатти-харакатлари бўйича ҳам арзлар мавжуд экан.

Амалдаги тартиб-коидага



Маълумки, кайта тармоқка улангандан кейин истеъмолчилик кам ойлини исҳакининг иккى баробари микдорида жарима ҳам тўлайди. Мазкур сумма эса, ўз навбатида, МИБ хисобига тушади. Шу нуткаи назардан олиб карагандан, ҳозирги вактда мана шу огохлантириши муддатига амал килинмаяпти.

Жумладан, Коракалпогистон Республикаси Тўрткўл туманинда шундай ҳолат юз берган. Туман мажбурий ижро бюроси ходимлари фуқаронинг уйига якшана бу куни келиб, ундан табий газдан

мавжуд 415 минг сўм қарздорлик сабаби огохлантиришиз тармоқдан узган. Ваҳоланки, хонадон сохиби пластик картасидан тўловни амалга оширмокчи бўлганда, идора ходимлари уни қабул килишдан бош торганди. Хонадон сохибига пулни кассага тўлашини айтган. Шу тарика, истеъмолчи тармоқдан узилган. Эртаси куни фуқаро ҳам кўшимча жаримани тўлагач, тармоқка кайта уланди.

Мазкур воеадан сўнг, фуқаро федерациянинг 1091 киска ракамли «Ишонч телефони»га кўнгирок килиб, мазкур холат юзасидан шикояти килиди. У МИБ ходимлари хатти-харакати конуний ёки конунга хилоф эканини билмоқчи бўлди. Масала юзасидан федерация мутахассислари тартиб аслида қандай бўлиши лозимлиги хусусида хукукий маслаҳат берди.

Конуний томонларини билб олгач, фуқаро туман МИБга рас-

ман мурожаат этади. Бирок ушбу вазиятда мутасаддилар унинг ноҳаҳлини, тўловни ўз вактида амалга оширмагани боис газ тармоғидан асосли радишида узиб қўйилганини утиради. Шундан кейин фуқаро Коракалпогистон Республикаси МИБга, юкори турувчи органга ариза кайтиб кўйи идорага — туман МИБга келиб тушади ва фуқарога юкоридаги каби яна юмалюк-естик килиб жавоб кайтарилади.

Охири Федерациянинг бевосита аралашви тифайли, яъни республика мажбурий ижро бюросига расмий хат йўллаб, конунчилик талабларини бузилтани кўрсатилгандан сўнг, фуқаронинг тўлаган жарима микдори кайтариб берилди. Ундан узр сўралиб, конунбозилишига йўл кўйган МИБ ходимига тегишилла курилди.

Шахобиддин РАСУЛОВ
«Оила даврасида» мухобири

Сўзниңг бобоси, момоси... ва неваралари

Бундан минг йиллар олдин момоларимиз ҳозиргидан анча кулаги ва мукаммал болалар таглиги – памперсдан фойдаланишган деган гапга ишонасизми? Маҳмуд Кошғарийнинг ўзига хос соябон – зонтиги бўлганига-чи? Навоийнинг нефть ҳақидаги фикрларига нима дейсиз?

Бундай фикрлар инсоннинг тафаккур сарҳадларини кенгайтириб юборади. Ўлашта ва изланишига унрайди. Хар бир сўзниң туб илдизига етиш, тушунчаларини моҳияти хакида мушоҳада юритишга чорлайди. Якнида Ўзбекистон ёзувчilar уюшмасининг «Ижод» жамоат фонди томонидан «Адаб ва жамият» туркумида чоп этилган «Бобо сўз изидан» китобини ўкид чиқка, мен шундай хуло-сага келдим.

Китоб муаллифи истеъоддли шоир оғамиш Эшкобил Шукур сўзлар хакида узок йиллар давомида олиб борган кузатиш ва тадқикотлари, фикр-мулоҳазаларини ўзига хос тарзда баён килган. Китобни ўкидигиб, ўзимиз биладиган, хар куни бир неча бор ишлатиб юрган сўзларимиздан қанчалик олисида колиб кетганимизни тушуниб етамиз.

Ўзимиз танинг билган сўзларнинг курида не-не маънолар жавоҳири борлигидан хайратга тушибасиз. Ажнабий ё келгинди деб биладиганимиз «магазин» ё «конфет» сўзлари аслида бизга у кадар узок эмаслигига, ўзимизни деб юрганимиз «шакар» ёки «бахши» сўзларининг бирни хинчча, иккинчиси санскритча эканини ўқигач, хайратланмай иложингиз ўйк.

Китобнинг хар бир саҳифаси ўкувчини нодир маълумотлар билан танишиши баробарида мароқ ва хайрат баҳш этади. «Бобо сўз изидан» китобидан кетлирилган куйидаги парчаларни ўқиш аносисида бунга ўзингиз амин бўласиз.

«Хўқизни еган кумурсقا»

Туркийлар азалдан катта нар-



саларнинг ҳалокатини майдучайталардан деб билганлар. «Ирк битигига»да «Бир кари хўқизнинг белини кичик кумурскалар ейшишиб», деган жумла бор. Мен бу жумлани ўқиганимда, Габриэл Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» романидан бутун бир супола тақдирни хакида айттилган гап, яни «Авлоднинг сўнгти вакили кумурскаларга ем бўлади», деган гап эсимга тушди. IX аср бошларда яратилган туркӣ ёдномадаги кумурскалар хакида гап XX аср адабининг гаплари билан накадар хамоҳанг.

Жиноятнинг қайси бир турини олиб қараманг, уни ҳар қандай дин, миллат, умуминсоний тамоийлар қоралайди. Сабаби, ҳар бир ножӯй иш замарида инсонларнинг ўзаро ҳақ-хукуқлари поймол бўлиши ёхуд давлат ва жамият муносабатларининг бузилиши ётади.

Маънавий қашшоқлик қандай пайдо бўлади?

Оммавий ахборот воситалари оркали мамлакатдаги жиноятчиликка оид статистик маълумотлар мутазам эълон килиб борилятди. Маълумотлар мутахассислар томонидан киёсий таҳлил килингани. Натижада ёшлар ўргасида жиноятчилик сабаблари ўрганилади. Ёшлар ўргасида жиноятчиликнинг асосий омили сифатида уларнинг тарбиясига ётиборсизлик ва локайдлик, оиласада маънавий мухитнинг носоғломлигини кўрсатиш мумкин. Шу жихатдан матрифатпарвар аллома Абулдула Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё хаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалотат масаласидир», деган гаплари хеч качон ёскирмайдиган иборадир.

Ёмонлик кишининг фикрига келганди кўнглини ғаш килалиган, иймони ва вижони кийналадиган хамда ўша ишни килишини одамлар кўриб колишини истамайдиган нарсадир.

Дарҳакат, атрофимизга разм солиб мулоҳоза килалигандиган бўлсан, ёмонларнинг ўзи хам килган ёмонликларидан кўнгиллари тўлмайди ва одамлардан беркитади.

Ёмонликнинг катта-кичиги бўлмайди. Хар қандай ёмонлик учун инсон жавобгар

бўлади. Гарчи уни хеч ким кўрмаса-да, вижондон олдида жавоб бернишга тўғри келади. Бундай ишлар гоҳида инсонни ҳалокатга етаклади, гоҳида руҳан азоблайди. Чунки инсон ёмон ишларни кўп килгани боин, маънавий қашшоқ кимсага айланади. Одатда, бундайлар атрофдагиларга ва жамиятни жуда катта зарар келтиради.

Фарзандининг тарбиясига бефарқ бўлмаган инсонларнинг ҳаётни мазмунли бўлади. Халкимизда, «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл бор. Дарқаки-кат, баъзи болаларнинг ахлоқсизликларига гувоҳ бўлган вактимизда уларни огоҳликка чакиришимиз, беодбликининг салбий оқибатлари хакида тушунтиришимиз хар биримизнинг зиммамиздаги мухим вазифаларданлир.

Атрофиди содир бўлаётган хар қандай ёмон ишни кўра-била туриб, хеч ким локайдлик килиши мумкин эмас. Демак, ножӯй ишга кўл ураётган кимсанн кўрган киши, аввало, уни бу номакубул ҳаракатидан кўйла билан кайтарishi, агар унди кила олмаса, тили билан огоҳлантириши ва наисиҳат килиши, агар буни хам кила олмаса, қалби билан уларнинг инсофга келишини сўраши лозимдир. Кичик бир ёмон ишни ҳар ким тўхтатиш керак, аммо жиноятнинг кўлами кенг бўлса, унга карши бутун жамоатгиллик курашиши зарур. Чунки кичик зирағчанинг зарари бутун танани заҳарлаши мумкин.

Маъмуржон ЭРКАЕВ

ҲИҚМАТ

«Кўзга илинмайдиган гуноҳлардан сақланинглар, чунки улар тўпланиб кишини ҳалок қилади».

Ҳадисдан

МАЪЛУМОТ

Дунёдаги энг узун сарлавҳа 1633 йилда Лондонда чиқсан театр ҳақидаги китобга тааллуқлидир. 45 қатордан иборат бўлган сарлавҳа актёр ва режиссрларга қаратилган танқиддан иборат эди.

Маҳмуд Кошғарийнинг эски зонтиги

«Зонтик» голландча сўз бўлиб, «Күёшдан химояланиш воситаси» деган маънени англатади. Хўш, зонтик сўзининг соғтуркийаси бўлди.

Токи дунёда кўёш ва ёғингарчилик бор экан, демак, хамма жойда улардан химояланиш воситаси бўлган. Унда хамма тилларда бу нарасини ифодалайдиган сўз ҳам бўлган. Факат бу сўзлар унтилган бўлиши мумкин.

Маҳмуд Кошғарий «Девони луготит-турк»да бир мақолни кеттирган: «Тошли чайнашга кодир бўлмаган одам уни ўшиши керак...» Бу мақол ишни осон битириш учун айтилган. Бирок нима бўлгандай, одам истаса, тошли чайнашга ўзида куч топа олади. Хэмингуэй айтган-ку: «Одамни ўлдириш мумкин, лекин уни енгиги бўлмайди» деб. Хемингуэй хеч қачон тошли ўтиб ўтирас эди, уни чайнаб ташларди.

Камолиддин ШАМС

Ҳақиқатни айтиб яшади

Ҳамиша Ҳақ деб яшаш ва ҳақиқатнингина айта олиш чинакам инсонга насиб этадиган саодатdir. Лекин бу, негадир, кўпчиликка насиб этмайди. Насиб этганлар эса, чинакам саодатманд инсонлар.



Таникли шоир, таржимон ва публицист Аскар Маҳкам шундайлар сирасидан эди...

Ўзбекистон ёзувчilar уюшмасида шоир таваллудининг олтишигига багишилаб ўтказилган хотира кечасида Аскар Маҳкам ҳаётни ижодининг ўзидан олдинги таржималарда йўл кўйилган хото ва камчиликларни хам тузатиб кеттанига гувоҳ бўлдим. Ундан бебаҳо таржима сиқусида фикр юртилди.

— Мен Аскар Маҳкамнинг бир нечта таржималарини ўқиш аносисида унинг сўзини накадар тераган хис килишини хис этдим, — дейди филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий. — Ҳусусан, у таржима жараёнидан ўзидан олдинги таржималарда йўл кўйилган хото ва камчиликларни хам тузатиб кеттанига гувоҳ бўлдим. Ундан беъди шундай яшади, умр бўйи шундай яшади, умр бўйи шундай ижод килди...

Аскар Маҳкам кирса саккиз йиллик умри давомида бир-биридан сара асарлар яратди. Шеърлари, насири ва публицистик асарлари ўкувчilar калбидан жой олди. Унинг айтиб сўзлари саккизга китобда жам бўлди.

Дунёдан инсоннинг ўзи кетса хам, сўзни колади. Шоир, таржимон, публицист ва чинакам инсон — Аскар Маҳкамдан инсониятга айтиб жарагандор сўзлар колди...

Ўз мухбиримиз



Оқ халат кийиш – улкан масъулият

Андижон давлат тиббиёт институти мана, олтмиш уч йилдирки, юртимиздаги нуфузли олий ўкув даргоҳларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур таълим масканинг тарихи Усмонжон Алимов, Юсуфжон Отабеков, Раҳимжон Нурмуҳаммадов каби устозлар номи билан чамбарчас боғлиқ. Улар бу даргоҳда самарали меҳнат қилиб, институт салоҳиятининг ошишида мунособ ҳисса қўшган.



Хозирда институттада 3 минг 760 нафар бакалавр, 293 нафар магистрант, клиник ординатурада эса 419 нафар изланувчи таҳсил олмоқда. Шулардан 24 нафари чет зўн фукаросидир. Уларга 573 нафар профессор-ўқитувчи ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимине янада ривожлантириш чора-тадбirlari тўғрисида»ни хамда «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим соҳасини ислоҳ килишининг чора-тадбirlari тўғрисида»ни карорларига асосан замон тарабаларига мувофиқ таълим-тарбия бериб келади.

Унтуимас воеалар йили

Якунланган йил институтимиз жамоаси учун foят кувончли ва унтуимас воеаларга бой бўлди. Бониси, бу илм даргоҳида мазмумоҳиятнан бой амалий ишлар ва янгиликлар хаётга татбик этилмоқда. Барча кафедраларда куляш шарт-шароит яратилиб, ўқитишининг илгор услублари кўлнилияти. Талабаларга сифатни таълим бериш, назария билан амалиётни биргаликда олиб бориша янги технологиялар жорий этилмоқда.

Аванало, шуни таъкидлаш жоизки, 2018 йилда тест синовларининг бутунлай янги тартиб-коидалар ва талаблар асосида очик, ошкора, адодатли тарзда ўтказилган соҳамизда туб бурилиш ясади. Бу албатта, келгусида ўқиб-изланман, ўз касбимининг ҳакиқий мутахассиси бўлиб етишаман, деган орзу-максадлар сари қадам ташлаган ёшларимиз

учун катта имкониятдир.

Ўтган йилнинг июнь ойида институтимизда симуляцион ўкув маркази ташкил этилди. Мазкур марказда анестезиология-реанимация, акушерлик-гинекология, офтальмология, оториноларингология, терапия, педиатрия-неонатология, анатомия ва бемор симуляция каби хоналар мавжуд бўлди, талабалар фан ва амалиёт кўнкималарининг бажарилишини назорат кишиш, баҳолаш учун алоҳида мониторинг марказлари хам ташкил этилган. Талабаларнинг бажараётган амалий кўнкималарини замонавий ва кенг экранли мониторларда кузатиш имконияти яратилиди. Бу ерда бўлгуси шифокорлар тури ўйналишда амалий кўнкималарини ошириб боромқдалар. Шунингдек, ўкув симуляцион лабораториисида амалиёт шифокорлари хамда тиббиёт институти битирувчиларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш режалаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим мусасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ни карорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш максадида жорий йилнинг ўзида Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Германия давлатларига ташриф буориб, ҳалкаро миқёсдаги конференция, семинарларда фаол қатнашиб келишиди.

Бундан ташкири, Қирғизистон

Республикаси Ўш давлат университети талабалари ва ўқитувчиларига маъруза машғулотлари кўпласлари ишлаб чиқиди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган инновацион

ғоялар хафталиги доирасидаги «Innoseek — 2018» ярмаркасида ходимларнинг инновацион ишланмалари юкори баҳоланди. Олима аёлларимизнинг 3 нафари тиббиёт фанлари доктори, яна шунчага нафари тиббиёт фанлари номзоди увонларини кўлга киритди. С.Бабич, Ҳ.Негматшаева ва И.Зулунова инновацион лоҳиҳалардаги фаол иштирикни билан давлатимизнинг илм-фан тараккиётига ўзларининг мунособ хиссаларини кўшмоқда.

Шунингдек, институтда инновацион лоҳиҳалар ва ишланмаларга ёшларни жалб этишга хам катта аҳамият каратилиши. Институтда инновацион марказ, «Ёш олимлар», «Олима аёл» кенгашлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Иктидорли талабаларимиз ўзларининг юксак билим эгаси, интигурич ва изланувчан ёшлар эканини намоён этишиб, тури номдор стипендияларни кўлга киритишаёт.

Юксалишлар дебочаси

Институтнинг халқаро ҳамкорлик бўлиминда чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда ўқув-семинарлар, тренинглар, конференциялар ташкил этиш, ҳорижий илмий журнallарда маколалар чиқарни, биргаликда режалар тузилиши ва уларни амалиётта татбик этиш, профессор-ўқитувчилар хамда талабаларни ҳориждаги машҳур, нуфузли тиббиёт институту ва клиникаларнда малака оширишини ташкил килиш, ҳорижий жамғарма ва ташкилотлар томонидан таъсис этилган грант танловларида муваффакиятли

катнашишларини таъминлаш юзасидан ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёнинг таники 41 тиббиёт институти ва марказлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. 2018 йилнинг ўзида 18 та тиббиёт университети (Россия, Белорусь, Эрон, Ҳиндистон, Қирғизистон ва бошқалар) билан доимий алокалар ўрнатилди. Мазкур шартномалар асосида институтлараро тарабалар алмашинуви, профессор-ўқитувчиларимизнинг ҳорижда малака ошириши йўлга кўйилди. Онлайн семинарлар ташкил этилиб, ҳорижий мутахассислар ўкув жараёнинг жалб этилмоқда.

Илм даргоҳининг ярим бўлғи

Институтимиз клиникаси аслид асосий ўкув базаси хисобланади. Ўндан зиёд бўйимнинг ҳар бирда кафедралар мавжуд бўлиб, беморларни кўридан ўтказиш, илмий изланишлар кафедра мутахассисларни билан бевосита ҳамкорликда олиб борилади. Фарғона водийси вилоятлари ва кўшини давлатлардан келган беморларга тиббий хизмат кўрсатилади. Йилига 100 мингдан ортиқ бемор шифо топиш максади мурожат килади. 9 мингта якни турли операциялар амалга оширилади. Тарабалар назарий билиминнун мунтазам равишда шу ердаги амалий жараёнларда кўллади.

Ўтган йилнинг октябрда Японининг «Марубени корпорейши» компаниясининг ўзбекистондаги вакили Ясуаки Фудзии институт басазасидаги ўзларига ўзбекистондаги яхши клиникага ташриф буориб, бу ердаги шартшароилар билан танишиди. Учрашув чогида компания томонидан клиникани 1 миллиард иена, яни карийб 10 миллион доллар атрофидаги юкори технологик тиббий асбоб-ускуналар ва жихозлар билан таъминлашга келишиб олindi. Ҳозирги кунда клиникада капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Халқ дарди билан яшаш

Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида институттинг етакчи профессорларни томонидан ҳар бир худуд ахолисининг муаммоли касалликлар юзасидан чукур кўридан ўтказиш ва даволаш усулларига каратилган маҳорат дарслари мунтазам ташкил этиляти. 2018 йил Й.Эгамов, К.Мирзает, Ҳ.Мусарайхов, Ф.Нишонов сингари профессор-ўқитувчилар бошчилигизда Пахтаобод, Асака, Жалакудук, Марҳамат туманларида қорин бўшиганинг мураккаб операциялари ўтказилди.

Инсон учун ёнг азиз ва кадрли нарса бу — саломатлик. Шифокорлар эса ани шундун кадрли ишмайтнинг ҳимоячилари хисобланади. Оқ халқ кийб ҳамиша халқ хизматида бўлиши ва унга гард юктирасмалик ҳар бир шифокор учун чинакам шарафидир. Таълим ва амалиётда айни мана шу жиҳат бизниси фаoliyatiimizda етакчи аҳамият касб этади.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт
институти ректори,
профессор

Жайхун соҳилидаги сувчилар

«Боғотдавсувмахусупдат» давлат унитар корхонаси жамоаси вилоятнинг барча манзилларида зарур миқдорда коллектор ва дренажлар қазиб, мавжудларини таъмирдан чиқаришга астойдил бел боғлаган.

Янги иш куни

Эрта сахар маҳали. Кўлига кетмөн тутган одамлар иштиёқ билан юмушга отланяпти. Осмон эндиғина ёришиб келаяпти. Кўй ёногига кўзешдай бўлиб тип-тиник Зухро юлдузигина томчилай олмай жилоланиб, ялтилаб турибди. Айни паллада юрагида чакнаган иштиёқ билан отланган Омон бобо катта арик томонга караб йўл солди. Нияти томоркасига окар сувни ўнгарб келиши эди. То кўзлаган манзиллига етгунга қадар шу атрофдаги сўлим ва хушманзара кишлек хаётини, табиатни, чор-атрофни нихоятда синчковлик билан кузатиб борди. Айникса, катта шахардан йирокларда умргузаронлик килаётган элдошларининг тили, ибораларини ажиз бир энтики билан эслаб, мийигига кулиб кўйди. Бир ёни калин ва ўтиб бўлмас тўйайзорга, бир ёни кенг уфкларга қадар туташиб кетган отизгача Олапар билан олдинма-кетин бўлиб борди. Бу жойларни заҳкаш бўйи дейди. Отахон теварак-атрофга синчковлик билан караб кўйди. Аслида бу жойлар ота-бобаларининг кадами теккан, қадимий мақонлар. Бир маҳалларини у жойда камишдан тикланган чайла бўлган бўлса, ундан сал куйироқда гордай-гордай ертўлларин колдикларига кўзингиз тушарди. Ана шу манзил якинида каттагина коллектор казилдию, аввалин кўп нарсалар ўзгариб кетди. Лекин нима учундир коллектор сувгалик тўла бўллади. Бу сувкининг жон бағишлиша массадида далалар томон ошиқади.

Албатта, бу обихаётдан Омон бобонинг томоркасидаги экинлар ҳам бенасиб колмайди. Кувурнинг оғзида толдан киркиб олинган кунда тикилган экан. Омон бобо ана шу кундан йигитларга хос эпчилик билан жойидан сурубри олди-да, бир четга улоқтириди. Ариқда сув аввал жилдира, салдан кейин эса тўлиб ока бошлади. Буни кўрган бобо ёш боладек хурсанд бўлганича ховлиси томон кетди. Кампирни уйида нонушта хозирлаб турганди. Чол ва кампир гу-

рунглasiб чой ичди. Шунда чол охиста томок кирганича, сўз котди:

— Кампир, уйимизнинг шундоккина ёнидан коллекторни ўтгани яхши иш бўлди-да. Биласан, илгари еримиздан зах, шўр аримасди. Бу ўз-ўзидан хосилга салбий тасъир этарди. Қара, бутун ахвол ижобий томонга ўзгарди. Бу ишининг бошида турган сувчиларга катта рахмат.

— Тўғри айтасиз, кўп йиллик армонимиз ариди. Ердан сизот сувлар чекиняпти, турокнинг ранги-рўйи ҳам анча яхшиланди. Бу савобли ишдан теварак-атрофдаги ахоли бехад мамнун.

Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлганимда ернинг ўзурини кочиришга астойдил бел боғлаётган соҳа ходимлари ишини кўкларга кўтараётган ана шундай кишиларга кўп дуч келдим. Шунда кўнглимда «Боғотдавсувмахусупдат» давлат унитар корхонаси фаолияти билан яқиндан танишиш истаги туғилди.

Иш девни енгади

Махаллий халк орасида «Иш девни ҳам енгади», деган гап кулогимга чалинди. Дархол ёнимда ўтирган чўккисокол кариага юзланди.

— Бу накл замирида чукур маъно бор. Баъзи бир кишилар, ўз чекига юқлатилган ишини бажара олмайди. Аслида нўноклик, алдам-калдамлик уларнинг бу ишини ундалишига йўл бермайди. Хуллас, ана шу тоифадаги кишиларга нисбатан «Иш девни ҳам енгади», деган ибора кўлланилди. Жамоадатер тўқаётганинг максади аниқ. Иложи борича кўпроқ вактини пашша кўриб ўтирамасдан, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашдек хайрли ишга сарфлайди. Ахир, одамлар ердан канча кўп хосил кўтарса, уларнинг ҳам дастурхони шунчалик тўкин ва баракали бўлади.

— Ер сийлаганин сийлади. Умрим далада, кўли кадоқ миришкорлар орасида ўтгаётганидан беҳад шодман, барча муваффакиятларим шунинг орқасидан, етказганига шукр, — дейди «Бо-

ғотдавсувмахусупдат» давлат унитар корхонаси раҳбари Ориф ТОИРОВ. — Аслида бу кунга етган кўпгина кишилар кўпинча «ёргу дунёда карзим колмади», деб кўйишади. Бир жихатдан олиб караганда, бу караш тўғри, аммо эл-юрт, давлат олида хамиша карзормиз. Колаверса, куч-куватнинг бўлгач, меҳнат килиб, маза килиб яшаганга не етсин!

Жамоамизда меҳнат килаётган кирадирларимиз тажрибамизни миридан-сиригача, чукур ўргансин, ернинг тилини билсин. Буни қаранг, жамоамизда айрим ҳайдовчиларнинг киличдай-киличдай ўтиллари ҳам ота касбини этагидан маҳкам тутган. Улар экскаваторлар ёрдамида коллектор ва дренажларни қазиб, зиммасидаги вазифанинг бекаму кўст адига келмокда.

Ориф Тонировнинг айтишича, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш борасида хукумат карори эълон қилингач, кўпдан бўёв ўз ечиними кутаётган талайгина муаммолар бархам топди. Энг муҳими ва асосийси, ернинг тинка-мадорини кутириб, уни зулукдай сўриб келаётган зах, шўр, туз босиши сингари оғатлар кисман бўлсада камайди. Масалан, биргина 2018 йилда 135 чакирим узунликдаги 538 минг метр кубдан зиёд хажмада таъмираш ва тиклаш ишларини бажариш кўзда тутилган бўлса, ушбу юмузлар ортиги билан бажарилди. Натижада ерости сизот сувлари тортилиши кузатиди. Ердан олинадиган хосил миқдори анчага ошди. Қаранг, бир муаммони ҳал этиш билан ахолининг даромади ортиби, турмуш фаронвонлашти. Бу борадаги ишлар айни паллада ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Масалан, биргина 2018 йил давомида худудларда бажарилган таъмираш ва тиклаш ишлари орқали сурориладиган ерларнинг мелиоратив холати яхшиланиб, хосилдорлик икки центнерга ошишига эришилди. Бофот туманидаги кирк, Янгиарик туманидаги элликка якин, Ҳазорасп туманидаги кариб киркта фермер хўжалиги раҳбарлари «Боғотдавсувмахусупдат» давлат унитар корхонаси жамоасига ўз миннатдорчилигини билдирганлар. Бундай эътироф жамоани янтидан-янги муваффакиятлар сари бошлаши турган гап.

Далалар таровати

...Бугун негадир эрталабдан чор-атрофни калин туман коплади. Одам-одамни таниб бўлмай колди. Устига-устак, бундай маҳалда уловда йўл босиши хийла мушкул. Шундай

об-хавога қарамай, Ориф ога барабири йўлга чиди. Машинани секин хайдаб кетаверди. Бундок ўйлаб қараса, чўлу биёбон, кимсасиз далада тер тўкаётган ишчилар холидан хабар олмаса бўлмас экан. Ахир, уларга биргина «Хормант, сизнинг борлигингизга шукр!» деган канотли сўзининг ўзи кифоя. Манзилга етиб борганида, уч-турт нафар хайдовни Хитойдан келтирилган улкан экскаватор атрофида куймаланиб юрарди. Ориф ака улар ёнида хозир бўлди. «Хорманглар, ишларингизга барака!» деди мамнун холда. «Сизнинг ҳам умрингизга барака», дэя жавоб кайтарди экскаваторчилар бара-варига. Ёшуллни улар бажарган иш мамнун этди. Айнан шу манзилда, яъни уфкларга қадар туташиб кетган далалар кучогига дурунгимиз кизин тус олди:

— Қаҳратон кишининг изгирин совуғи, баҳорнинг шовуллама ёмтири, ёзинг чидаб бўлмас исенинга қарамасдан ишни тўхтатишига асло ҳакимиз йўқ. Негаки, ерларнинг мелиоратив холатини яхши томонга ўзгартирмай турриб, кишилек хўжалиги соҳасида бирор бир натижага эришиб бўлмайди. Ўтган йилда ҳам вилоятимизнинг барча манзилларида коллектор ва дренажларни қазиб, зиммасидаги вазифанинг бекаму кўст адига келмокда.

Шундай деди-да, Ориф оға каминага рақамлар акс этган маълумотномини узатди. Маълумотномага кўз юргутiramан. Ўнда барча бажарилган ишлар жамланганди. Жумладан, Янгиарик туманидаги «Чакир» коллекторини тизимили таъмираш ва тиклаш ишларни максадида 72,19 чакирим узунликда 188,54 минг метр куб хажмада, Бофот туманидаги «Девонкўл-Бештут» коллекторини тизимили таъмираш ва тиклаш ишларни максадида 193,82 минг метр куб хажмада, Ҳазорасп туманидаги «Карвак» кишилогоғида 19-шпорани мустахкамлаш, Бофот туманидаги «Кораёнтк» каналини реконструкция килиш максадида уч чакирим узунликда казув ва гидроиншоот ишлари, Кўшкўпир туманидаги «Озёрний» магистрал коллекторидаги сув тиндиригчиларни таъмираш ва тиклаш ишларни максадида икки чакирим узунликда 156,3 минг метр куб хажмада ишлар муввафакиятли адо этилди. Ушбу ишларни бекаму кўст бажаришда ўн тўртта замонавий экскаватор, тўртта бульдозер, автокран, автогравийлер, автосамосвал, трактор ва бошча мелиоратив техникалар кучидан фойдаланилди. Ахамиятлиси, корхона машина-трактор парки йилдан-йилга ана шундай замонавий техникалар билан тўлдириб бориляпти. Мазкур техникаларни бошқаришида

Рўзимбой Бектурдисев, Жумабой Рахимов, Баходир Нурметов, Соҳид Сотиков, Рашид Рўзибоев сингари механизаторлар бошча касбдошларига ўнрак бўлмокда. Бундай муваффакиятларни мекнат ахлига яратиб берилган шарт-шароит, куляйлик сабаб бўлмокда.

Она ер саховати

Чиндан ҳам, заминимиз саховатли. Унда барча незматларни етиштириша бўлади. Негаки, она заминда пишибетилган бир-биридан ажойиб, хуштъяр, сархил ноз-незматлар дастурхонимизни безаб турдиди. Корхона жамоаси анча йиллардан бери она замин билан бемалол тиллашиб, диллашиб келади. Гап шундаки, жамоа ўзларига ажратиб берилган ер майдонида турфа хил экинлар ўтиради. Етиштирилган хосил эса барчага тенг миқдорда таксимлаб берилади. Ошковок, мос, маккажӯхори ва бошча экинлардан мўлжалдагидан ошириб хосил кўтарилиди. Албатта, чин-пинши билан мекнат килингана жойда барака бўлади. Буни жамоа ахли жуда яхши билади. Шунинг учун улар кўлда балик, иссиқхонада турфа хил ноз-незматлар етиштиришининг яхшигина хадисин олган. Бу жамоада бўлиб, бу ерда олиб бориляётган ишлар билан яқиндан танишган киши аниқ хис этди.

Юракдан, чин кўнгилдан килинган орзу ниyat бир кун келиб, албатта, амалга ошигуси. «Боғотдавсувмахусупдат» давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам йил босиши ана шундай хайрли, эзгу ишларни келишадан асло эринмайди. Ерларнинг мелиоратив холатини мўътадиллаштириб, дехкону фермерлар мушкулини осонлаштиришга бел bogлагan жамоанинг келгуси ишларига омад тилаб. Зоро, эзгулик, ризк-рўз яратиш йўли доимо нурли манзиллар томон бошлаши мукаррар.

Улубек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухабири



БИЛИМДОН ЧУМОЛИ

Нима учун чумоли ер остига тўплад кўйган донлар униб чикмайди?

Олимлар ўрганиб кўришса, чумоли ер остига тўплаган дон ва уруғларни иккига бўлиб кўяр экан. Уруғларни иккига бўлиб кўяр экан. Ер хар кашнча унумор бўлмасин, униб чикмас экан.



Яна маълум бўлишича, чумоли кашнич донини икки эмас, тўрт бўлакка бўлиб кўяр экан. Таажжубга тушган олимлар кашнич уруғ устида тажриба ўтказиб кўришса, ажойиб кашфиёт қилиши. Кашнич дони иккига бўлинса хам ўсиб чикаверар экан, тўрт бўлакка бўлинсанга ўсиб чикмас экан.

Хатто инсонларнинг хам ҳаммаси билавермайдиган бундай синоатни чумоли каердан биларкан-а?

ЖАВОҲИР



Саводдан мақсаду муддао — фойда. Мол дунё ортироқ ва бўлмоқ масъуд. Юраклар манфаат топмаган жойда Даромаддан не наф, фойдадан на суд?!

Бошга ургайими迪 юлдузлар гужин Каҳкашон йўлларин топмаса олам. ...англadingми, Худо яратган нечун «Ишқ бу — савдо» деган ҳикматни, болам.

Матназар АБДУЛҲАКИМ

МУХЛИС МАКТУБИ

Салом, таҳририят!

Ўзим гувоҳи бўлган бир фотолавҳани (гарчи унча сифатли бўлмаса хам) муҳим бўлгани учун сизга жўнатишга қарор қўдим.

Бозорда китоб савдоси жуда ҳайратланарли. Бир неча жойда китоб савдоси авжид. Айниқса, унда болаларнинг китобга қизиқини кишини хурсанд қиласди.

Бозорга одамлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун боради. Лекин у ерда китоб ўқиси, баҳс-мунозара юритишини чинакам маърифат деб тушундим. Одамлар китоб сотиб олишига қизиқдими, демак, бизни шишимиз яхши.

Сизга ҳавола этаётган ушбу фотосурат танқидий эмас, лекин бозор маъмурияти уни кўрса, китоб савдосига яхши жойларни, қулагай шароитларни қилиб берши ҳақида бир бош қотирапиди, деган мулоҳазамиз бор...

Абдурашид МИРЗААҲМЕДОВ,
Наманган вилояти

ДИҚҚАТ, САВОЛ!

Фаройиб ҳайкал

Ўзбекистон худудида икки нафар шоирнинг шеърига ҳайкал ўрнатилган. Шулардан бири доғистонлик буюк шоир Расул Ҳамзатовнинг турналар ҳакидаги шеърига Тошкент вилоятида рамзий ҳайкал ўрнатилган.

САВОЛ: мамлакатимиз худудида ўрнатилган иккичи ҳайкал кайси шоирнинг шеърини ифода этади?

Жавоблар келгуси хафтанинг сесанба куни соат 15:00 гача қабул килинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz
Телефон: 0 (371) 234-91-82
Telegram: (+99897) 444-80-84



ЙЎҒЭ!

Йўлсизлиқ

Юкори чирчиқлик асаларичи Азлархўжа Тосиҳуёсавининг куюнчалик билан билдиришича, мобиъл алоқа воситалари асаларни ҳаётига ўсиодий ҳафф тудгираттган экан.



«Асалари ўсимлик гулларидан нектар йигиш учун уч чакиричма масофага учуб боради. Кайтаёттанды ҳаводаги ўзининг келган ўйли билан яна ортга кайтади. Лекин телефондан чиқаёттган тўлкин асаларининг йўлтин йўқотиб, «гангиб» колишига сабаб бўляпти. Окибатда асаларилар ўзиласига кайтиб келломай молмода. Тўлкиндан зарарланган асалари онласиз, бир ўзи яккаланаб қолади ва кўп ўтмай нобут бўлади».

Асаларининг билдиришича, адашиб, ўйлини йўқотган асаларни бошқа асалари онласи қабул кильмас экан.

...Бу мулоҳазалардан кейин бундай «тўлкинлар» куни келиб инсонни хам хаёт йўлидан адашибирб юбормасмикан, деб ўйлаб қоласан...

ТАБАССУМ ☺☺☺

Еб қўйди

Икки уста бойнинг уйини бўёқ килишаётса, бойнинг кўшниси чишиб:

— Бўёқни менга сотинглар, — дебди.

Бойнинг бир оти бор экан. Усталар унинг лабига озигина бўёқ суртишибидда, колган хамма бўёқни сотиб юборишибиди.

Бой келса, иш тўхтаган. Усталар дам олиб ўтиришибиди.

Бой ҳайрон бўлиб:

— Нимага ишламасдан ўтирибисизлар? — деб сўраса, усталар отни кўрсатиб;

— Бўёқни отингиз ичиб қўйди, — дейшишибиди.

Бой отига қараса, чиндан хам лабида бўёқ излари бор. Шартта ичкаридан болтани опчикиб, отини чопиб ташлаомокчи бўлибди.

Усталар бойни тўхтатиб:

— Тўхтани, ахир от бўёқдан кимматку! — дейшиса, бой:

— Сенлар аралашма! Ўтган йили бу лаънати икки тонна цементни хам еб кўйган эди, — дермиш.

ПАЗАНДАЛИК

«Киш зийнати» салати

Керакли масалликлар: 3 дона картошка, 4 дона лавлаги, 2 дона тузланган бодринг, 2 дона оқ пиёз, 300 грамм кўзикорин (шампиньон), 200 грамм яшил нўхан, 1 боғ кўк пиёз, 200 грамм майонез.



Тайёрланиши: картошка ва лавлаги сувда қайнатиб олиниади.

Оқ пиёз иккита бўлинниб, майдо паррак килиб тўгралиб, бироз сувда чайқаб олиниади. Шунда пиёзнинг ачи奇и кетади.

Кўк пиёз майдаланади. Барча масалликлар тўртбурчак килиб тўгралади ва аралаштирилади.

Майонезни хушламайдиганлар унинг ўрнига салат ёғини солиб, истемол килишилари мумкин. Бунда салат янада витаминаларга бой ва фойдали бўлади.

Ёқимли иштаҳа!

Ушбу саволга биринчи бўлиб тўғри жавоб ўйллаган иштирокчи таҳририятнинг маҳсус совфаси билан тақдирланади.

Газетанинг 2018-йил 51-сонидаги саволининг жавоби: заргарлар. Сабаби, улар берилган буюргомадан уриб қолишибади, деб хисоблаб уларни ўғрилар билан тенглантиришган.

Саволга УмидА ТОГАЕВА, Миркомил ТОИРОВ, Зафар МАҲСУМОВ, Гўзал СОТВОЛДИЕВА, ЖайронА ТИНИБЕКОВА, Улугбек ЗОКИРОВ, МУХСИМ КАРИМОВ тўғри жавоб ўйлади.